

ISBN 9965-9234-8-5




9 789965 923487

Жазылу индексі

Қазпочта 74438


ISBN 9965-9234-8-5

Бұл кіте толы тарихы бар Құмық халқы ұлттық салт-дәстүрге, ауыз-өлебіетке ұрпақ тәрбиесіне үлкен мән берді.




Асабақтан жасалған халшылс сарпа


Құмық мантиясы




Құмық кеуабы




Қондан жасалатын тегтілері



Құмық қапындығы



Ұлттық биі



Құмық қызы




2016
№4(20)

Қазан-Желтоқсан

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал -
Республиканский научно-методический и познавательный журнал

Ұ

ҰРЫ ТІДЕС ЕЛДЕР
ҚОРҚОЗЫҢНЫЕ СТРАНЫ





ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ТЮРКОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал
Республиканский научно-методический и познавательный журнал

2012 жылдан бастап шығады

№4(20)

Үш айда бір шығады

МАЗМҰНЫ

<i>Масалимова Дидар, Мұхтарова Шынар</i> 25 ЖЫЛҒА ҚАДАМ БАСҚАН ТӘУЕЛСІЗ ЕЛ МЕН АТАУЛЫ МЕКТЕП.....	3
<i>Сабырбаев Нұржан</i> ГЕОГРАФИЯ ПӘНІН ОҚЫТУДАҒЫ ЖАҢА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДЫ ҚОЛДАНУ МАҢЫЗДЫЛЫҒЫ	6
<i>Жунусова Тажикүль</i> ӨНЕРІМДІ ӨЗ ТІЛІММЕН ӨРНЕКТЕДІМ	10
<i>Ташов Х. Р., Эргашева М. К.Ó</i> ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	13
<i>Олимов Ш.Ш., Рамазонова Ф.Х.</i> ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	16
<i>Ильбекова Ж.К.</i> ОҚУШЫЛАРҒА ЭКОЛОГИЯЛЫҚ БІЛІМ МЕН ТӘРБИЕ БЕРУ	19
<i>Ыбрай Нұрзада</i> БІЛІМ ЖЕТІЛДІРУ КУРСЫНАН АЛҒАН ӘСЕР	21
<i>Дауренқызы Динара</i> ҚЫТАЙ ТІЛІ - ҚАЗІРГІ КЕЗДЕ ҚАЖЕТ ТІЛ	23
<i>ҚҰМЫҚТАР</i>	24

Бас редактор:
Есназарова Ұлжалғас Әмзекызы

Құрылтайшы: «Географиядан республикалық атаулы мектеп» ЖШС
Журнал Қазақстан Республикасының байланыс және ақпарат
министрлігінде 16.05.2011 жылы тіркеліп, №11679-жс куәлігі берілді.

Редакция алқасы:

Қасейінов Д.К., ТҮРКСОЙ Бас хатшысы
Мехмет Бодур, ТІКА-ның Қазақстандағы өкілі
Зейнеш Исмайыл, профессор, Түркия
Дағдұран А., ҚР Түркі халықтары мәдени
қорының президенті
журналының
Аламанов С.К., Қырғыз география қоғамы
Президенті, г.ғ.к., профессор
Ниязов Т.З., ҚырҰУ профессоры
Ташов Х., г.ғ.к. (Бұқара МУ кафедра меңгерушісі)
Шимашева Р.С., Алматы Білім басқарма басшысы
Темірбеков А.Т., г.ғ.к., ҚазҰУ профессоры
Темірбекова Ж.А., ассоц. профессор СДУ

Көркемдеуші редактор Әбдиева Р.С.
Техникалық редактор Темірбеков Ж.А.

Редакцияның мекен-жайы:
050040. Алматы қ., әл-Фараби көшесі 65/64
тел. 8(727) 2 97-35-48, тел/факс 297-35-49.
e-mail: ataulymektep@mail.ru

«Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны»

редакциясына келіп түскен қолжазбалар өңделеді. Редакция жолданған материалдардың сапасына жауап бермейді, материал көшіріліп басылған жағдайда «Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналына сілтеме жасалады. Теруге 21.11.2016 жылы жіберілді. Басуға 25.11.2016 жылы қол қойылды. Көлемі 60x84/8. Сандық басылым. Таралымы 500 дана.

Журнал "Роза" баспа-полиграфиялық қызмет көрсету орталығында дайындалды. Алматы қ. Абай көшесі, 41.

ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Олимов Ш.Ш.

“Педагогика” кафедраси мудири, п.ф.д.,

Рамазонова Ф.Х.

2-босқич магистранти, Бухоро Давлат Университети,
Ўзбекистон Республикаси. 200100 Бухара, ул. М. Икбол, 11.

Узлуксиз таълим тизимини ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогик ва ахборот технологиялари таълим олувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва ахлоқий камолоти, касбий тайёргарлигини ошириш ҳамда бутун таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришининг зарурий шарт сифатида қаралмоқда.

Шундай экан, машғулотлар мазмунини махсулдор (продуктив) даражага кўтариш – педагогик технологияга хос хусусиятдир. Маълумки, махсулли машғулот ижтимоий фаол шахсни шакллантириш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Махсулли машғулотларда ўқувчилар мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллайдилар, ўқув қийинчиликларини бартараф этишга ўрганадилар; саботли, матонатли, қатъиятли ва фидойи бўлиб борадилар.

Бугунги куннинг таълим мазмуни ўқитиш, ўргатиш жараёнида ўқувчини кўпроқ ўйлаш, фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатишга ундайдиган дидактик механизмни бўлишини тақозо қилмоқда. Бу дидактик механизм шундай бўлмоғи даркорки, унда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бор имкониятини максимал ишга сола олсин, ўқитишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялари тўла амалга ошсин, шахс камолотини таъминлаш учун замин ҳозирласин. Бундай механизм эса фикримизча, педагогик технологиянинг интерфаол методларидир.

«Ўқитиш назариясида, - деб ёзади В.В. Белорусова, метод билан бир қаторда методик усул деган тушунча ҳам бор. Методик усул - қандайдир методнинг бир қисми бўлиб, ўқув вазифаларини ҳал этишда мустақил аҳамиятга эга эмас, аммо асосий методнинг таъсирини кучайтиради» [3, 101].

Методист олим А.Қ.Ғуломов «Ўқитиш методларини» изоҳлар экан, шундай ёзади: «Фалсафий маънода метод тушунчаси табиат ва жамият ҳодисаларини кузатиш ҳамда воқеликка илмий нуктаи назардан ёндашиш демакдир.

Дидактик маънода бу тушунча ўқувчиларни билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш йўллариини ўз ичига олади» [6, 43].

Демак, «метод» воқеликни билиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш йўли. «Ўқитиш методи» воқеликда рўй берувчи ҳодисаларни ўқитувчи томонидан баён қилиш, ўқувчи томонидан қабул қилиш йўлидир. Зеро, ўқитиш методлари педагог ва таълим олувчиларнинг мақсадга йўналтирилган фаолият йўли бўлиб, оқибат-натияжада билмасликдан билишга, оддий нарса-ҳодисалардан, мураккаб нарса-ҳодисаларнинг моҳият-мазмунини билиш йўналтирилгандир.

Шунинг учун бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларида ўқитиш методларини танлаш ва қўллашда таълим (мавзу)нинг мақсад ҳамда ақлий, маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларидан келиб чиқиб, куйидагиларни назарда тутиш керак:

а) илмий-амалий ҳаётини тажрибаларни ўзлаштиришни ва ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини тарбиялашни;

б) ўқувчи-ёшларни пухта, аниқ тизимли билим, кўникма, малакалар билан қуроллантиришда илмий техникавий тараққиёт (ИТТ) талабларини;

в) ўқувчиларни мустақил, ижодий, мантиқий фикрлашга ўргатишни;

г) таққослаш, таҳлил қилиш, синтез, умумлаштириш, хулосалар чиқаришга малакалар ҳосил қилишни;

д) билишга бўлган интилиш, қизиқиш ва қобилиятларини ўстиришга йўналтирилганлиги муҳимдир.

Табиат, жамият инсон тафаккурининг такомиллашуви, унинг тўхтовсиз ривожланиб, такомиллашиб бориши, илм-фан, техника ва технологиянинг жадаллашуви, таълим методларини танлаш ва қўллашда янгича ёндашишни, уларни ўзлаштириш ва

фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга асосан ҳозирги давр дидактикасида ўқитишнинг янги педагогик технологияга асосланган интерфаол методлари майдонга келди.

Биз янги педагогик технологияга асосланган методларни интерфаол методлар деб номладик. Маълумки, ҳар қандай жараён каби ўқитиш жараёнида иш муваффақиятини таъминлай оладиган, таълим самарадорлигини оширадиган ва ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга ўргата оладиган метод, шубҳасиз, фаолдир. Ҳозирги кунда республикамиз таълим муассасаларида энди қўлланила бошланган чет эл дидактикасида, ҳам назарий, ҳам амалий асосланиб яхши самараларга эга бўлишга омил бўлаётган, аммо бизнинг дидактика фанимизда дастлабки назарий ва амалий асосларга эга бўлаётган, педагогик амалиёт учун унчалик таниш бўлмаганини назарда тутиб «интер» сўзини кўшиб интерфаол методлар деб атадик. Ўйлаймизки, мазкур методларнинг моҳияти-мазмунини чуқурроқ англаш, шароит, имкониятларга уларни мослаштириб қўллаши муваффақиятни таъминлайди.

Педагогик технологиялар тизимида ихчам содда, қўллаш анча осонлиги билан «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Мунозара», «Синквейн», «Кластер» технологиялари ҳам анча кенг қўлланмоқда. Жумладан, кичик гуруҳларда ишлаш дарс жараёнида таълим олувчиларнинг барчасини фаоллаштириш имкониятига эга бўлган усулдир.

Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ўқувчилар алоҳида масалалар юзасидан ўз фикрини гуруҳда муҳокама қилишга, турлича фикрларни уйғунлаштириб, муштарак нуқтаи назарга келишни ўрганадилар. Шунингдек, ўқувчи гуруҳ бошловчиси сардори сифатида синфдошлари олдида сўзга чиқиб, гуруҳ нуқтаи назарини ҳимоя қилади ва бу билан ўқувчида кўпчилик олдида сўзлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, фикрларни уйғунлаштира олиш каби кўникма ва малакалари шаклланиб боради.

Кичик гуруҳларда ишлашни ўтказиш йўллари:

1. Топширик, чалкаш масала ёки савол асосида муаммо танлаб олинади. Топширикда баҳсли жиҳатлари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2. Кичик гуруҳлар шакллантирилади. Гуруҳлардаги ўқувчилар сони 3-5 нафардан ошмаслиги керак, топширик хусусияти, синфдаги ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда гуруҳдагилар сони ўзгариши мумкин.

Гуруҳда ишни ташкил этишда иштирокчиларга вазифалар тақсимлаб берилиши маъқул.

Масалан, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси эса юзага келган фикрларни қоғозга ёзиб боради, учинчиси вазифанинг белгиланган вақтда бажарилишини мувофиқлаштириб туради, тўртинчиси гуруҳ хулосаларини тақдим этади ва х.к.

Ўқувчиларни гуруҳларда ажратишда икки усулдан фойдаланилади. Биринчисида, ўқувчилар хоҳишига кўра, иккинчиси ҳисоблаш усули билан, (масалан, биринчи..., тўртинчи, шундан кейин рақамлари бир хил ўқувчилар битта гуруҳга бирлашадилар). Гуруҳларга ажратишда иккинчи усулдан фойдаланиш маъқул. Бунда ҳолислик тамойилига асосланиб, жараён натижаларини баҳолаш ҳам бир мунча осон бўлади.

3. Гуруҳларда ишлаш вақти белгилаб олинади.

Топширикни бажариш йўл-йўриқлари тушунтирилади. Вазифани бажариш йўлини тушунмаган гуруҳ аъзоларига кўшимча изоҳ берилади.

4. Гуруҳда иш жараёни тугагандан кейин якуний хулосалар тақдимоти ўтказилади. Хулосаларни гуруҳ сардори ҳимоя қилади. Зарур ҳолларда тақдимот натижалари доскага ёки ватманга ёзиб борилади. Имкониятга қараб гуруҳлар бир-бирларига саволлар беришлари мумкин.

5. Тақдимот натижалари асосида муҳокама уюштирилади ва баҳоланади.

Бунда қуйидагича саволлар ўртага ташланади.

Кичик гуруҳларга ишлаш жараёнида қандай натижаларга эришилди?

Қандай муаммо устида фикрлашилди, ўз ечимини топдимми?

Жараёнга ўзингизни қандай ҳис этдингиз? ва х.к. Кичик гуруҳларда ишлашни ўтказиш қоидалари:

1. Гуруҳларда ишлаш учун белгиланган вақтга қатъий риоя қилиш керак.

2. Гуруҳларга ёрдам бераётган ўқитувчи таъйиқ қилмаслиги, ўз нуқтаи назарини ўтказишга уринмаслиги лозим.

3. Гуруҳлар томонидан билдирилган фикр ва хулосалар муҳокама қилиниши, танқидий мулоҳазалар билдирилиши мумкин.

4. Ўрни келганда баён этилган фикр ва хулосаларга тузатишлар киритилиши, бу нарса умумий хулоса мазмунини бойитишга, изчиллаштиришга хизмат қилиши зарур.

Машғулотларни ушбу таълимнинг интерфаол методларини қўллаш асосида ташкил этиш, яна бир бор таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни фаоллаштиради, нутқни ривожлатиради, фикрини аниқ, изчил баён этишга, ўзгалар олдида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ўргатади.

«Мунозара» методи.

Мазкур метод ўқувчиларни фаоллаштириш, баҳсга барча иштирокчиларни жалб қилиш мақсадида ташкил қилинади. Маълумки умумтаълим мактабларининг одатдаги семинар машғулотларида ўқитувчи бир неча ўқувчи талаба билан ишлаш имкониятга эга бўлади. Синф ва гуруҳдаги ўқувчилар эса дарсни монолог шаклида ўтганлиги сабабли зерикиб қолмайдилар. Монологик шаклдаги машғулотдан қочиш, ўқувчиларни муаммони ечишга жалб қилишнинг ягона йўли мунозарадир.

Профессор Н.С.Сайидахмедов «Мунозара» ўтказишни қуйидаги намунасини таклиф қилади.

1. Мунозара олиб борувчи бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ...) мавзусини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга «Ақлий хужум» топшириғини беради ва уни қоидаларини тушунтиради:

- хужумдан мақсад-муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- ўз ақл идрокингизни марказлаштиришга ҳаракат қилиш ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий зид бўлсада, ғояларини ҳам ривожлантиринг;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;

- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи мунозара мавзусини танлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиқувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилади. Бирор бир киши томонидан зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури «чархлашиши» учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич

бошланади. «Ақлий хужум» иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирилган ғояларини мустаҳкамлайдилар. Ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина олинади [4, 38].

Педагогик назария ва тажрибанинг кўрсатишича мунозара саволлар, сигналлар, тасдиқлаш, инкор этган ҳолда далиллар келтириш, яқунлаш фазаларидан иборат бўлса мақсадга яқинроқ бўлади.

Мунозара бу фаол, қизиқарли, қизғин ва эхтиросли суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама қилинаётган мавзунини муфассал тушуниб олишлари учун намунали йўлдир. Бунда турли фикрлар, ҳатто бир-бирини инкор этадиган нуқтаи назарлар бўлиши мумкин. Муаммони изланувчанлик асосида ҳал этилиши эркин фикрлаш, эркин фикр алмашишни юзага келтиради. Бу ҳол ҳар бир ўқувчи талабада муҳокама қилинаётган, ечилиши лозим бўлган муаммо юзадан фақатгина ўз қарашларига эмас, балки муҳолифларнинг ҳам қарашларига танқидий нуқтаи назардан ёндашишни тарбиялайди.

Ўқитишнинг мунозара методи ўқувчи-ёшларнинг бугунги куннинг долзарб муаммоларига, ҳаётининг масаларга ўз муносабатларини билдиришга тайёрлайди, қизиқувчанлик, ижодкорликни ўстиради, ўз нуқтаи назарларини далилли асослашга ўргатади, эгалланган билимлар асосида илмий дунёқарашни шаклланишига ёрдам беради.

Педагогик технологияларни тўлдирувчи методлардан яна бири синквейндир. «Синквейн» - дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари тизимида муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина дидактик адабиётларда қайд этилишича, «Синквейн» методи ўқув мақсади ва вазибаларини аниқлаш ва белгилашда ўқитувчи фаолияти орқали эмас, балки ўқувчи фаолияти орқали амалга оширишни назарда тутди. «Синквейн» сўзи французча бўлиб, «беш қатор» деган маънони англатади ва маълумотларни йиғиш мақсадида ишлатилади. Унда ўрганилаётган воқеа, ҳодиса, маълумотлар тўғрисида ўқувчи талабалар томонидан мавзуга доир ахборотлар ечилиб, турли кўриниш, нуқтаи назарлар орқали изоҳланади. Мамлакатимизнинг мазкур соҳа тадқиқотчилари [2], [5] баён этаётган фикрларга кўра синквейн мураккаб ғоя, сезги, идрок ва ҳиссиётларни умумий тарзда бир сўз билан ифодалашга

йұналтирилган малака бұлиб, мавзуни чукуррок англаш имконини беради.

Синквейн тузиб чиқиш қойдаси қуйидагича:

1. Биринчи қаторда топширик (вазифа) бир сўз билан ифодаланади (одатда от туркумига мансуб сўз билан).

2. Иккинчи қаторда вазифа сўз билан ифодаланади (одатда сифат сўз туркумига оид сўз билан).

3. Учинчи қаторда вазифани бажаришга доир ишлар учун сўз билан тавсиф этилади.

4. Тўртинчи қаторда топширик (мавзу)га алоқадор фикр тўрт сўз билан ифодаланади.

5. Бешинчи қаторда мавзу (топширик) моҳиятини такрорловчи, маъно мазмунини бирига яқин бұлган бирта сўз билан ифодаланадиган фикр ёзилади.

Ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологияларни ўқув-тарбия жараёнига ўринли ва моҳирона қўллаш ўқувчиларнинг ўзларини мавжуд имконият ва қобилиятларини, интеллектуал салоҳиятларини ўстирибгина

қолмай, ижтимоий фаоллигини ошиши, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини тўғри белгилашига ёрдам беради. Чунончи, синфлар ичида кичик (микрогурух)лар ташкил қилиш ҳам анча самарали ҳисобланади.

Бунда таълимни ташкил қилишнинг турли шакллари семинар, амалий, лаборатория, назарий таълим ва синфдан ташқари таълимда бирликда тайёргарлик кўриш, ҳамкорликда ўқиш қойдасига амал қилиш лозим бўлади. Шунда таълимнинг ушбу шаклида ўқувчи ақлий фаолияти ва муносабатида сезиларли фазилятлар бўлади.

Улардан ўқитувчи ўз педагогик маҳорати, иш тажрибаси, таълим-тарбия мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, ўринли фойдаланиши лозим.

Бир сўз билан айтганда баён қилинган таълим технологияларидан узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида хусусиятига кўра фойдаланиш кўйилган мақсадга эришиш калитидир.

ОҚУШЫЛАРҒА ЭКОЛОГИЯЛЫҚ БІЛІМ МЕН ТӘРБИЕ БЕРУ

Ж.К. Ильбекова

*«№26 жалпы орта білім беретін» КММ
география пәнінің мұғалімі, Семей қаласы, ШҚО.*

Экологиялық тәрбие - бұл адамдардың сезіміне, санасына, көзқарастарына әсер ету әдістері. Ол азаматтардың саналық деңгейінің артуына, табиғатқа қарым-қатынасының өзгеруіне, табиғат ресурстарына ұқыптылықпен, үнемшілікпен қарауға, оның жай-күйіне жаны ашып қарауға, табиғи ортада өзін өнегелі ұстауға әсер етеді.

Экологиялық білім беру - бұл табиғатты пайдаланудың дайындау, іргелі негіздері ретінде жалпы экологияның теориясы мен практикасын игеруге бағытталған оқыту жүйесі. Ол табиғатты қорғаудың теориясы мен практикасын игеруге бағытталған оқыту жүйесі - табиғатты қорғау білімімен тығыз байланысты.

Оқушыларға экологиялық тәрбие беру жалпы білім берудің бір тармағы ретінде оқушыны жан-жақты дамытуға, оның адамгершілік қасиеттерін тәрбиелеуге бағыттайды. Экологиялық тәрбие жұмысы балалардың жас ерекшеліктеріне сай және табиғатқа жақын қарым-қатынаста жүргізілсе ұтымды болады. Қазіргі уақытта экологиялық тәрбие беру жер

бетінің әрбір тұрғынын қамтуға тиісті бүкіл халықтың мәселеге айналып отыр. Қоршаған ортаны қорғау мен оның байлығын тиімді пайдаланудың Қазақстан Республикасының Конституциясынан орын алуға, арнаулы өкіметтік қаулы қабылдануы, экологиялық тәрбие беру қажеттілігінің күннен-күнге арта түсуі - бұл істі жүзеге асыруды бала бақшадан бастап жоғары оқу орындарына дейінгі тәрбие орындарында оқу-тәрбие жұмыстарының әр түрлі формалары мен әдістерін пайдалануды міндеттеп отыр. Мұның мәні - оқушыларды табиғатқа ұқыпты қарауға үйретіп, оның байлықтарын үнемді пайдаланудың маңызды мәселе екенін ұғындыру табиғатқа дұрыс қарым-қатынас жасау жөніндегі қажетті біліммен икемділік, дағдыларымен қарулан-дыру.

Сабақтарда, сынып сағаттарында экологиялық тәрбие беру практикасында әртүрлі әдіс-тәсілдерді қолданамын. Соның ішінде ойын, тренинг, есеп әдістері көп қолданылады.